

Toshkent shahar Mirzo-Ulug‘bek tumani
Davlat xizmatlari markazi tomonidan
2026-yil “28” 07 da
_____-son reyestr raqami bilan

“Daromad Plus”
Investitsiya fondi aksiyadorlik jamiyatining
2026 yil 21 iyuldagi 2-sonli Kuzatuv
kengashi majlisi bayonnomasi bilan

“RO‘YXATGA OLINGAN”

TASDIQLANGAN



**“DAROMAD PLUS”
INVESTITSIYA FONDI
AKSIYADORLIK
JAMIYATINING
USTAVI
(yangi tahrirda)**

Toshkent – 2026 yil

МУНДАРИЖА:

1.	Умумий қоидалар.....	3
2.	Фонднинг юридик мақоми.....	3
3.	Фонд фаолиятининг мақсади ва соҳаси.....	5
4.	Фонднинг устав фонди (устав капитали) ва акциялари.....	5
5.	Фонднинг фаолиятидаги чекловлар.....	7
6.	Фонднинг мулки.....	7
7.	Фонднинг молиявий ахволини, соф активларини баҳолаш, фойдани тақсимлаш ва ҳаражатлар.....	7
8.	Дивидендлар бўлаш ва акциядорлар реестрини юритиш.....	9
9.	Фонд акциядорларининг ҳуқуқлари.....	11
10.	Фонд Бошқарув органлари.....	13
11.	Фонд акциядорларининг умумий йиғилиши.....	13
12.	Фонд Кузатув кенгаши.....	16
13.	Фонднинг ишончли бошқарувчиси.....	17
14.	Фонднинг молиявий фаолиятини назорат қилиш.....	19
15.	Фонд Кузатув кенгаши аъзоларининг, ишончли бошқарувчисининг ва Марказий депозитарийнинг жавобгарлиги.....	19
16.	Ҳисоб-китоб ишлари ва ҳисобот.....	20
17.	Фондни қайта ташкил этиш ва тугатиш.....	21
18.	Якуний қоидалар.....	22

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ва “Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида”ги Қонунлари (матн давомида - қонун) ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (06.05.2014й. ЎРҚ-370-сон), “Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида”(28.08.2015й. ЎРҚ-392) “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги (14.05.2014й. ЎРҚ-372-сон) Қонунлари “Инвестиция фондлари тўғрисидаги Низом” ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб боради.

1.3. Фонднинг тўлиқ фирма номи:

Ўзбек тилида: - **“Daromad Plus”** investisiya fondi aksiyadorlik jamiyati (матн давомида - Фонд деб юритилади);

Рус тилида: - акционерное общество инвестиционный фонд **«Daromad Plus»**;

Инглиз тилида: - **“Daromad Plus”** Investment Fund Joint-Stock Company.

Фонднинг қисқартирилган номи:

Ўзбек тилида: - **“Daromad Plus”** IF AJ;

Рус тилида: - АО ИФ **«Daromad Plus»**;

Инглиз тилида: - **“Daromad Plus”** JSC Investments Fund.

1.4. Фонднинг жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй, 118-хона. Индекс: 100170.

1.5. Фонднинг электрон почта манзили: info@daromad-plus.uz

1.6. Фонднинг расмий веб-сайти: www.daromad-plus.uz

1.7. Фонднинг фаолият кўрсатиш муддати ва ҳудуд доиралари чекланмайди.

1.8. Фонд шаклий жиҳатдан акциядорлик жамият бўлиб, тури бўйича ёпиқ инвестиция фондидир. Фонд фақат оддий акцияларни муомалага чиқаради ва чиқарган акцияларини акциядорлардан қайтариб сотиб олиш мажбуриятини ўз зиммасига олмайди, қонунчиликда ва ушбу Уставда кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

1.9. Инвестиция Фондининг асосий мақсади жисмоний ва юридик шахсларнинг пул маблағларини йиғиб ва шу маблағларни фонд номидан, таваккалчиликларни камайтирган ҳолда, фойда (даромад) олиши учун қимматли қоғозларга, масъулияти чекланган жамияти улушларига, банк счётлари ва омонатларга, давлат қимматли қоғозларига қўйиш.

1.10. Инвестиция Фондининг асосий фаолият тури бу қимматли қоғозларга инвестиция қилиш, қимматли қоғозлар бозорида фаолият кўрсатиш, қимматли қоғозлар билан бошқа битимларни амалга ошириш, шунингдек корхоналар акцияларига ва улушларига эгалик қилиш, бошқа инвестиция активларига, шунингдек банк ҳисобварақларига, омонатларга ва кўчмас мулкка жойлаштириш негизида уларни самарадорлигини оширишда фаолият кўрсатиш. Фонд асосий фаолиятдан даромад олувчи юридик шахс ҳисобланади.

1.11. Фонднинг эмитентларга маблағ қўйиш билан боғлиқ барча таваккалчиликлари, уларнинг (активларнинг) бозор баҳосининг ўзгаришидан юзага келадиган барча даромад ва зарарлар фонднинг активлар қийматини ва (ёки) фонд акциялар жорий нархини ўзгариши йули билан тўлиқ ҳажмда ушбу фонд акциядорларига тегишли бўлади.

1.12. Фонд, агар у белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган бўлса ва қимматли қоғозлар бозорида инвестиция институти (фонди) сифатида фаолиятни амалга оширишга рухсатнома (лицензия) олган бўлса, ташкил этилган деб ҳисобланади ва фаолият юритишга ҳақли.

2. ФОНДНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ

2.1. Фонд **“DAROMAD PLUS”** ochiq investisiya fondi ochiq aksiydorlik jamiyati (IF OAJ) нинг тўлиқ ҳуқуқий ворисидир.

2.2. Фонд белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб юридик шахс Фонд белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб юридик шахс ҳуқуқи ва мажбуриятларини олади.

2.3. Фонд Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги ва “Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида”ги Қонунларига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонуний ҳужжатларига, шунингдек ушбу Уставга мувофиқ юридик шахс мақоми билан акциядорлик жамияти ва инвестиция фонди сифатида фаолият юритади.

2.4. Фонд ўзининг номи давлат тилида ёзилган юмалок муҳрига, номи ва жойлашган манзили кўрсатилган штампига ва фирма бланкларига, фирма тимсолига ва бошқа ўз белги аломатларига, банкҳисобрақамларига, депозитарий ва реестрҳисоб рақамларига эга бўлишга ҳақлидир.

2.5. Фонд ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли бўлган барча мол-мулки билан жавобгар бўлади. Фонд ўз акциядорларининг мажбурияти бўйича жавобгар бўлмайди, акциядорлар Фонд мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва унинг фаолияти билан боғлиқ зиёнларни ўзларига тегишли акцияларқиймати доирасида тўлайдилар. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгилаб қўйилган тартибда тугатилган тақдирда Фонд инвесторларнинг маблағлари сақланиши учун ўзи жойлаштирган акцияларнинг камида номинал баҳоси миқдорида жавобгар бўлиши мумкин. Фонд акциядорлари деб унинг реестрига белгиланган тартибда киритилган шахслар эътироф этилади.

2.6. Агар Фонднинг тўловга қобилиятсизлиги жамият учун мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядор сифатида иш юритаётган шахснинг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли юзага келган бўлса, Фонднинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, мазкур акциядорнинг зиммасига Фонднинг мажбуриятлари бўйича субсидияр жавобгарлик юклатилиши мумкин. Акциядор мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига Фонд уставида бу ҳуқуқ назарда тутилган тақдирдагина эга бўлади.

2.7. Фонд учун мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядор Фонд муайян ҳаракатни амалга ошириши оқибатида тўловга қобилиятсиз бўлишини олдиндан била туриб, ушбу ҳуқуқидан Фонд томонидан шундай ҳаракат амалга оширилиши учун фойдаланган тақдирдагина Фонднинг тўловга қобилиятсизлиги акциядорнинг ҳаракатлари туфайли юзага келган деб ҳисобланади.

2.8. Давлат ва унинг органлари Фонд ўз зиммасига олган мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар, худди шунингдек, Фонд ҳам давлат ва унинг органлари олган мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.9. Фонд фаолиятини амалга ошириши учун ўз номидан битимлар ва шартномалар тузиши, мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни ва мажбуриятларни олиши, судларда, хужалик судида ва ҳакамлар судида даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

2.10. Фонд ўзининг фаолияти учун зарур бўлган қимматли қоғозларнинг экспорт ва импорт операцияларини ушбу Уставга ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига биноан мустақил равишда амалга ошириш ҳуқуқига эга.

2.11. Фонд активларини бошқариш шартнома асосида жалб қилинган махсус Инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси томонидан Фонд номидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

2.12. Фонднинг қимматли қоғозларини сақлаш ва ҳисобини юритиш ҳамда акциядорлари реестрини юритиш бўйича фаолият шартнома асосида жалб қилинган Марказий депозитарий томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

2.13. Фонд ўзининг, унга хизмат кўрсатувчи ишончли бошқарувчининг ва Марказий депозитарийнинг Фонд фаолияти билан боғлиқ ҳужжатларини ваҳисоботларини ҳар йили текшириш мақсадида ҳолис аудиторни ёллайди.

3. ФОНД ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ ВА СОХАСИ

3.1. Фонднинг фаолият мақсади - қимматли қоғозлар бозорида инвестиция фонди сифатида фаолият юритиш асосида ўз акциядорлари манфаати йулида фойда олишдир.

3.2. Фонд фаолиятининг соҳаси бўлиб инвестиция фонди фаолияти ҳисобланади. Бу фаолиятнинг алоҳида тури бўлиб Фонд томонидан белгиланган тартибда махсус рухсатнома олиш асосида амалга оширилади.

3.3. Инвестиция фонди фаолиятини Фонд ушбу Уставнинг 1.10-1.12 бандларида кўрсатилганидек ва инвестиция фонди фаолиятини чеклашларга риоя қилган ҳолда амалга оширади. Шу билан бирга Фонднинг фаолият соҳасига қўйидагилар киради:

давлат ва корпоратив қимматли қоғозларга, ҳамда корхоналар Устав жамғармасига пайлар (улушлар) кўринишида (шаклида) инвестициялар қилиш, бошқа инвестиция активларига, шунингдек банк ҳисобварақларига, омонатларга ва кўчмас мулкка жойлаштириш ва шу асосда ўзининг инвестициялар портфелини шакллантириш;

ўзининг инвестициялар портфелини белгиланган тартибда бошқариш ва бу жараёнда қимматли қоғозлар ва пайлар билан боғлиқ турли операцияларни ва амалларни бажариш;

эмиссия, инвестиция ва дивиденд сиёсатларини ва стратегияларини амалга ошириш ва бунинг учун: ўз акцияларини муомалага чиқариш, уларни жисмоний ва юридик шахсларга сотиш йули билан пул маблағларини тўплаш (жамлаш), шу йул билан ва инвестиция фонди фаолиятини амалга ошириш, тўпланган маблағларни инвестициялар портфелини шакллантириш ва бошқаришга сарфлаш.

4. ФОНДНИНГ УСТАВ ФОНДИ(УСТАВ КАПИТАЛИ) ВА АКЦИЯЛАРИ

4.1. Фонд Устав фонди(устав капитали) нинг миқдори 3 159 520 000 (уч миллиард бир юз эллик тўққиз миллион беш юз йигирма минг) сўмни ташкил қилади ҳамда номинал қиймати 500 (беш юз) сўм бўлган 6 319 040 (олти миллион уч юз ўн тўққиз минг қирк) дона оддий акцияларга бўлинган. Бу акциялар инвесторлар (акциядорлар) ўртасида уларнинг улушларига мутаносиб равишда тақсимланган. Барча акциялар бир хил овоз бериш ҳуқуқини берувчи эгаси ёзилган оддий акциялар ҳисобланади.

4.2. Фонд ўзи чиқараётган акцияларга уларни оммавий жойлаштириш йўли билан қонунчилик талабларини ҳисобга олган ҳолда очиқ обуна ўтказишга ҳақли. Бунда Фонд ходимлари Фонд томонидан жорий қилинадиган акциялар бирламчи оммавий жойлаштирилганда ходимларнинг акцияларга эгаллик қилиш режаси доирасида акцияларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эга.

4.3. Фонднинг Устав фонди(устав капитали)га чиқарилган акциялар тўлови белгиланган тартибда нақд пул ёки нақд пулсиз тартибда пул маблағлари, қимматли қоғозлар, кўчмас мулк ва бошқа мол-мулк билан амалга оширилиши мумкин.

4.4. Фонднинг Устав фонди(устав капитали) Фонд мол-мулкнинг ўз кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган даражадаги энг кам миқдорини белгилайди.

4.5. Фонд Устав фонди(устав капитали)нинг миқдори акциядорлар умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгаши мажлисининг қарори билан ўзгартирилиши (кўпайтирилиши ёки камайтирилиши) мумкин. Бунда акциядорларнинг Устав жамғармасидаги улуш ҳиссаси мутаносиб равишда ўзгаради, агарда акциядорлар бошқа қарорга келишмаса.

4.6. Фонд ўз акцияларини сотиш вақтида акциядорлар умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинган тегишли қарорга асосан иш юритиши мумкин.

4.7. Акция сони, уларга ёзилиш жойи ва ёзилишнинг бошланғич ва охириги муддати (бу муддат олти ойдан ошмайди), уларнинг эвазига натура шаклида берилиши мумкин бўлган мол-мулк ёки/ва қимматли қоғозлар миқдори ва шартлари;

Фондга хизмат кўрсатувчи банкнинг номи, манзили ва Фонднинг ундаги ҳисоб рақами. Кузатув кенгаши ёки Ишончли бошқарувчи қарорига кўра кўрсатиб ўтилган билдиришномага қўшимча бошқа маълумотлар ҳам киритилиши мумкин.

Белгиланган муддат ичида тўлиқ суммаси тўланмаган акцияларни Фонд (Ишончли бошқарувчи оркали) уларни мустақил тарзда сотиб юборишга ҳақлидир.

Қўшимча (эълон қилинган) акцияларга ёзилиш тугаллангандан кейин Фонд низом жамғармаси кейинчалик давлат органларида қайта рўйхатдан ўтказилган ҳолда улар томонидан ҳақиқатда жойлаштирилган акциялар миқдориға мувофиқлаштирилади.

4.8. Акция бўлинмасдир. Битта акция бир неча шахсга тегишли бўлгани тақдирда бу шахсларнинг ҳаммаси акциянинг битта эгаси деб тан олинадилар ва ўз ҳуқуқларини улардан бири ёки умумий вакил орқали амалга ошира оладилар.

4.9. Фонд акциялари ушбу акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг қимматли қоғозлар бозорида эркин муомалада бўлиши мумкин. Фонд акциядорларининг ўзларига тегишли акцияларини сотиш ҳуқуқи чекланишга йул қўйилмайди.

4.10. Фонднинг муомалага чиқарган акциялари ва портфелидаги қимматли қоғозлари билан боғлиқ барча операциялар Марказий депозитарийда қайд қилиниши ва назорати амалга оширилиши лозим.

4.11. Фонд чиқарган барча акциялар Ишончли бошқарувчи томонидан белгиланган тартибда сотилади, жумладан Фонд мол-мулки ва портфелини бошқариш билан боғлиқ қимматли қоғозлар савдоси амалга оширилади.

Жамиятнинг устав фонди(устав капитали)ни кўпайтириш

4.12. Фонднинг устав фонди(устав капитали) қўшимча акцияларни жойлаштириш йули билан кўпайтирилиши мумкин. Қўшимча акцияларни жойлаштириш, инвестициялар жалб қилиш, фонднинг ўз капитал маблағлари ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобига қонунга асосан амалга оширилади.

4.13. Қўшимча акциялар Фонд томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

4.14. Фонд устав фонди(устав капитали)ни ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларга қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари миқдори-номинал қиймати 500 (беш юз) сўм бўлган 14 944 768 (ўн тўрт миллион тўққиз юз қирқ тўрт минг етти юз олтимиш саккиз) дона умумий қиймати 7 472 384 000 (етти миллиард тўрт юз етмиш икки миллион уч юз саксон тўрт минг) сўмлик оддий акциялардан иборат.

Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш (акцияларнинг биржа ва уюшган биржадан ташқари бозориға чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш улуши ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

Қўшимча акциялар (эълон қилинган акциялар) Фонд акциядорларининг умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгаши мажлис қарори билан Ишончли бошқарувчи томонидан жойлаштирилади.

Қўшимча чиқарилаётган акциялар ёпиқ обуна усули билан Ишончли бошқарувчи томонидан акциядорларнинг ўз улушларига мутаносиб равишда жойлаштирилиши мумкин.

Қўшимча чиқарилаётган акциялар очик обуна усули билан белгиланган тартибда фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузиш йўли билан фақат фонд биржаси орқали жойлаштирилади.

Қўшимча чиқарилган акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда жойлаштирилади. Фонд акциясининг бозор қиймати деганда энг эҳтимол тутилган нарх тушунилиб, унга кўра мазкур акция очик бозорда битимнинг тарафлари барча зарур ахборотга эга бўлган ҳолда ўз манфаатлари йўлида оқилона ва ихтиёрий равишда ҳаракат қиладиган рақобат шароитида бошқа шахсга берилиши мумкин, битим нархининг баланд-пастлигида эса бирор-бир фавқулудда ҳолатлар, шу жумладан тарафлардан бирининг ушбу битимга қўшилиш мажбурияти акс этмайди. Агар фонднинг акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган бўлса, уларнинг биржа котировкалари мазкур акцияларнинг бозор қиймати деб эътироф этилади.

Фонднинг устав фонди(устав капитали)ни камайитириш.

4.15. Жамиятнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайитириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан камайитирилиши мумкин.

4.16. Агар устав капиталини камайтириш натижасида унинг миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, Фонд устав капиталини камайтиришга ҳақли эмас.

4.17. Устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капитални камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

4.18. Фонд кредиторлари Фонднинг устав фонди (устав капитали) камайтирилганлигидан хабар топган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Фондтан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав фонди (устав капитали) камайрилиши билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақли.

5. ФОНДНИНГ ФАОЛИЯТИДАГИ ЧЕКЛОВЛАР

5.1. Фонд қуйидаги ҳуқуқларга эга эмас:

фаолиятни лицензия олмасдан амалга оширишга;

корпоратив облигациялар ва инфратузилма облигациялари, шунингдек имтиёзли акциялар чиқаришга;

инвестиция фонди соф активларининг 10 фоизидан ортиғини бир эмитентнинг қимматли қоғозларига ёки масъулияти чекланган жамиятнинг улушига инвестиция қилишга;

тўланиши лозим бўлган қарзларнинг жами ҳажми кредит ва (ёки) қарз битими имзоланган санадаги инвестиция фонди соф активлари қийматининг 15 фоизидан ошиб кетган тақдирда кредит ва (ёки) қарз маблағларини жалб этишга (бунда кредит ва (ёки) қарз муддати уч ойдан ошмаслиги керак);

кафил бўлишга, мол-мулкни ёки мулкрий ҳуқуқларни гаровга қўйишга;

ташкилий-ҳуқуқий шакли ўз иштирокчиларининг қўшимча жавобгарлигини назарда тутадиган ҳўжалик жамиятларининг қимматли қоғозларига ва улушларига инвестицияларни амалга оширишга;

ишончли бошқарувчи, аудиторлик ташкилотлари томонидан чиқарилган қимматли қоғозларга инвестицияларни амалга оширишга, шунингдек уларнинг устав капиталидаги улушларини олишга;

бошқа инвестиция фондларининг акцияларини олишга ва уларга эга бўлишга;

инвестиция фаолияти билан боғлиқ бўлмаган битимлар тузишга, опционлар ёки фьючерслар олишга;

умумий суммаси фонд соф активларининг 10 фоизидан ортиқ инвестицияларни амалга оширишга (бундан қимматли қоғозларга қўйиш мустасно) ҳақли эмас.

6. ФОНДНИНГ МУЛКИ

6.1. Фонд мулкининг манбалари бу активлари, ҳисоб рақамидаги пул маблағлари ҳисобланади.

6.2. Фонднинг шахсий маблағлари сирасига қуйидагилар киради:

Низом жамғармаси; чиқарган эмиссия акцияларини юридик ва жисмоний шахсларга сотиш йули билан олинган маблағлар; қонунчиликга ҳилоф бўлмаган бошқа маблағлар.

7. МОЛИЯВИЙ АҲВОЛНИ, СОФ АКТИВЛАРНИ БАҲОЛАШ, ФОЙДАНИ ТАҚСИМЛАШ , ҲАРАЖАТЛАР

7.1. Молиявий аҳволни, фонд соф активларини баҳолаш “Инвестиция фонди молиявий фаолиятини таҳлил қилиш усули ва Инвестиция фондининг соф активларини баҳолаш тартиби тўғрисидаги Уставга” мувофиқ амалга оширилади. Фонд активларининг қийматини (баҳосини) Кузатув кенгаши белгилайди. Соф активларни баҳолаш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида белгиланган тартибда амалга оширилади.

7.2. Фонд фойдаси унинг қимматли қоғозлари бўйича дивидендлари ва фоиз тушумлари ҳисобига, шунингдек қимматли қоғозлар билан ўтказилган операциялардан ва

банкка қўйилган депозитларидан ва бошқа манбалардан олинган даромадлар ҳисобига шакллантирилади.

7.3. Фонд соф фойдасининг бир қисми акциядорлар умумий йиғилиши қарорига биноан дивидендларни тўлаш учун тақсимлангунга қадар унинг Устави билан белгиланган тартибда ва доирада Устав жамғармасини кўпайтиришга ёки янги қўйилмалар орқали активини оширишга йўналтирилиши мумкин.

7.4. Солиқлар, мажбурий тўловлар, Фонд Ишончли бошқарувчисига, Марказий депозитарийсига ва аудиториға рағбатлантириш тўлови тўланганидан сўнг қолган фойда қисмидан активларини ошириш учун (Фондни ривожлантириш учун) йўналтирилган суммадан қолган ва бошқа ҳаражатлардан Фонд фойдаси унинг акциядорлари ўртасида дивидендлар сифатида тақсимланиши мумкин.

7.5. Фонд акциядорларига дивидендлар акциядорлик жамиятларининг Фонд инвестиция портфелини ташкил этувчи акциялари бўйича дивидендлар, қимматли қоғозлари бўйича олинган фойдалар (курс тафовутлари, фоизлар, дисконтлар), қимматли қоғозлар олди-сотдиси, пай (улуш)лар бўйича дивидендлар, банкларнинг депозит счетларидаги омонатлардан фоизлар бўйича Фонд томонидан олинган даромадлардан шунингдек кўчмас мулк ижараси ва олди-сотди даромадларидан тўланади.

7.6. Профессионал хизматларга ҳақ тўлаш билан боғлиқ барча ҳаражатлар, шунингдек қўйидаги сарф- ҳаражатлар Фонднинг банкдаги ҳисоб-китоб счетида (рақамидан) қопланади:

контрактга мувофиқ Ишончли бошқарувчи томонидан кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш, бу Фонд соф активлари ўртача йиллик қийматининг 5 фоизи миқдорида бўлади;

Ишончли бошқарувчига контрактга мувофиқ йил натижалари бўйича кўшимча мукофот пули тўлаш (тўланган дивидендлар суммасини ҳисобга олган ҳолда), бу Фонд соф активлари йиллик ўсиши суммасининг 7 фоизидан ошмаган миқдордан, мазкур йилга Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан белгиланган қайта молиялаш ставкаси бўйича соф активларни депозитларга жойлаштиришда юз берадиган ўсишдан юқори бўлмаслиги керак;

контрактга мувофиқ Фондга хизмат кўрсатиш бўйича Марказий депозитарийга ҳақ тўлаш, бу Фонд соф активлари ўртача йиллик қийматининг 2 фоизидан ошмаган миқдорида бўлади;

тақдим этилган тўлов ҳужжатларига мувофиқ Фонд Уставига, эмиссия рисоласига ёки Фонд фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ва тақдим этилган тўлов ҳужжатларига мувофиқ уларни рўйхатдан ўтказиш ҳаражатлари, шу жумладан Фонд акциялари ёки акциялари сертификатларини жойлаштиришда уларни тайёрлаш ҳаражатлари;

оммавий ахборот воситаларида Фонд рекламасига ҳақ тўлаш ҳаражатлари тақдим этилган тўлов ҳужжатларига мувофиқ Фонд акцияларини жойлаштириш якунлари бўйича Фонд томонидан Ишончли бошқарувчига тўланадиган акцияларни жойлаштиришдан олинган маблағларнинг 4 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда;

Фонд Кузатув кенгаши аъзолари томонидан ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳаражатларни қоплаш ва уларни мукофотлаш Фонд соф активларининг ўртача йиллик қийматининг 0,3 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда;

Фонд фаолияти билан боғлиқ солиқлар амалдаги қонунга асосан ;

Аудит текширишдан ўтказиш, акциядорлар умумий йиғилишларини ўтказиш ва шу масала билан боғлиқ бўлган ҳаражатлар кузатув кенгаши билан келишилган миқдорда, дивидендлар тўлаш ҳаражатлари.

7.7. Жамиятда унинг устав фондининг (устав капиталининг) 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда захира фонди ташкил этилади. Жамиятнинг захира фонди жамият уставига белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори юқорида қайд қилинган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг 5(беш) фоизидан кам бўлмаслиги керак.

7.8. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг захира фонди жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш ва қонунда кўрсатилган ҳолларда фонднинг

акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

7.9. Жамиятнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

7.10. Фонд Кузатув кенгаши ёки ишончли бошқарувчи қарори билан факат уз акцияларини акциядорлардан қайтариб сотиб олиш учун ва акциялари котировкаси учун пул маблағларига булган киска муддатли эҳтиёжни кондириш мақсадида банклардан қарз маблағларини жалб қилиши мумкин. Қарз муддати уч ойдан ошиб кетмаслиги керак ва муддати узайтирилмайди.

7.11. Фонд кредит битими имзоланган санада узилиши шарт булган қарзларнинг умумий миқдори Фонд соф активларининг бозор қийматидан 15 фоиз ошиб кетган ҳолларда қарз маблағларини жалб этиши мумкин эмас.

8. ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ, АКЦИЯДОРЛАР РЕЕСТРИНИ ЮРИТИШ

8.1. Дивиденд.

Дивиденд фонд соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир. Фонд оддий акциялар бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд фонднинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

8.2. Дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор.

Фонд молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Фонд оддий эгаси ёзилган акциялари бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори фонд кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендларни тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Акциядорлар умумий йиғилишининг дивидендларни тўлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинганлиги ва бошқа муҳим ахборот ҳақидаги хабар ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан 15 кун ичида жўнатилганлиги фактини ва қабул қилинганлиги тўғрисидаги хабарномани қайд қилган ҳолда, акциядорлар эътиборига мобиль телефонга қиска хабарлар (SMS-хабарлар) ва (ёки) электрон почта (акциядорлар реестрида мобиль телефон рақами ва электрон почта манзили мавжуд бўлганда) орқали етказилади.

8.3. Дивидендларни тўлаш тартиби

Дивидендлар фонднинг жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Фонд томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Дивидендлар қўйидаги муддатларда тўланади:

оралик дивидендлар - тегишли оралик давр (чорак ёки ярим йиллик) тугаганидан кейин 2 ойдан кечиктирмасдан; йиллик дивидендлар - акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарорига биноан қонунда белгиланган тартибда қарор қабул қилинган кундан бошлаб 60 кундан кечиктирмасдан тўланади.

Фонд Ўзбекистон Республикаси норезидент акциядорининг ёзма талабига кўра унга ҳисобланган дивидендларни эркин айирбошланадиган валютага айирбошлаб, маблағларни

норезидент акциядор такдим этган банк ҳисобварағига ўтказиб бериши шарт.

Жамият акциядорларининг реестридан олинган, жамият томонидан тасдиқланган кўчирма ҳамда жамият бухгалтериясининг ҳисобланган дивидендлар суммаси ва улар ҳисобланган сана тўғрисидаги маълумотномаси айирбошлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган фонд акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

Муомалага чиқарилмаган (жойлаштирилмаган)ёки Фонд балансида бўлган акциялар бўйича дивидендлар ҳисобланмайди ва тўланмайди.

Дивидендларни тўлаш Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ёки инвестиция воситачилари орқали акциядорнинг мавжуд банк ҳисобварағига қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда автоматик равишда амалга оширилади. Бунда Фонд акциядордан дивидендларни тўлаш тўғрисидаги аризани талаб қилишга ҳақли эмас.

8.4. Дивидендларни тўлашга доир чекловлар

Фонд:

фонд устав фондининг (устав капиталининг) ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;

агар дивидендлар тўланадиган пайтда Фондта тўловга қобилиятсизлик белгилари мавжуд бўлса ёки Фондта шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

агар жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди (устав капитали) ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

Ушбу бандда кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, Фонд ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

8.5. Дивидендлар тўланиши ҳақида акциядорларни хабардор қилиш

Фонд дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Фонд тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва фондининг расмий веб-сайтларида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади.

Дивидендлар қўйидаги муддатларда тўланади:оралик дивидендлар - тегишли оралик давр (чорак ёки ярим йиллик) тугаганидан кейин 3 ойдан кечиктирмасдан; йиллик дивидендлар - акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарорига биноан қонунда белгиланган тартибда қарор қабул қилинган кундан бошлаб 60 кундан кечиктирмасдан тўланади.

8.6. Фонд акциядорларининг реестри

Фонд акциядорларининг реестри рўйхатдан ўтказилган акциялар эгаларининг белгиланган санадаги ҳолатга кўра шакллантирилган, уларга тегишли акцияларнинг номи, сони, номинал қиймати ва тури, шунингдек реестрда рўйхатдан ўтказилган шахсларга ахборотни юбориш имкониятини берадиган маълумотлар кўрсатилган рўйхатидир. Фонд акциядорларининг реестрини шакллантириш қимматли қоғозлар эгаларининг депо ҳисобварақлари ҳолатига кўра марказий рўйхатдан ўтказувчи вазифасини бажарувчи Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади.

Акциядорнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиши, дивидендлар олиши ва жамият томонидан корпоратив ҳаракатлар бажарилганда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириши фонд акциядорларининг реестри асосида амалга оширилади.

Фонд акциядорларининг реестрига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишига йўл қўйилмайди, мазкур реестр шакллантирилган санада унга киритилмай қолган шахсларнинг

бузилган ҳуқуқлари тикланган ёки реестрни шакллантиришда йўл қўйилган хатолар тузатилган ҳоллар бундан мустасно.

Фонд акциядорларининг реестрида рўйхатдан ўтказилган ҳар бир шахс ҳақидаги, унинг номига ёзилган акцияларнинг сони ва турлари тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Марказий депозитарий жамиятлар акциядорларининг реестрлари шакллантирилишини таъминлаши ва шакллантирилган реестрларни сақлаши шарт, жамият эса давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан бир ойдан кечиктирмай Марказий депозитарий билан жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш учун шартнома тузиши шарт.

Акциядор ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида унинг акцияларга бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи Марказий депозитарийни ва инвестиция воситачисини ўз вақтида хабардор қилиши шарт. Акциядор ўзига оид маълумотлар ўзгарганлиги ҳақидаги ахборотни тақдим этмаган ҳолларда, акциядорнинг ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи Марказий депозитарий ва инвестиция воситачиси бунинг оқибатида акциядорга етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди.

8.7. Депо ҳисобварағидан кўчирма

Депо ҳисобварағидан кўчирма акциядорнинг акцияларга бўлган ҳуқуқларини тасдиқлайдиган, Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачиси томонидан бериладиган ҳужжатдир.

Акциядорга унинг акцияларга бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачиси акция эгасининг ёки унинг қонуний вакилининг талабига кўра икки иш куни ичида депо ҳисобварағидан кўчирма бериши шарт. Қимматли қоғозларнинг эгаси депо ҳисобварағидан кўчирмага ўзига тааллуқли бўлмаган ахборот, шу жумладан бошқа қимматли қоғозларнинг эгалари ҳамда уларга тегишли қимматли қоғозларнинг сони тўғрисидаги ахборот киритилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас.

8.8. Фонд акциядорларининг реестрини шакллантириш шартлари ва тартиби

Фонд акциядорларининг реестрини шакллантириш фонднинг ёки қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг топшириғи, шунингдек ушбу Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонунида назарда тутилган ҳолларда акциядорларнинг ёзма мурожаати асосида Марказий депозитарий томонидан амалга оширилади. Реестрнинг қайси санада шакллантирилиши реестрни шакллантириш тўғрисидаги топшириқда кўрсатилади.

Жамият жамиятнинг акциядорлари реестрини шакллантириш тўғрисидаги топшириқларга имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ҳақида Марказий депозитарийни ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Жамият акциядорларининг реестрини шакллантиришни рад этишга йўл қўйилмайди, қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

9. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

9.1. Фонднинг ҳар бир акциядори қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- ўзини Фонд акциядорлари рўйхати(реестри)га киритилиш;
- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- фонд фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- фонд тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали фондни бошқаришда иштирок этиш;
- Фонд фаолиятининг натижалари тўғрисида тўла ва ишончли ахборот олиш;

- ўзига тегишли Фонд акцияларини ва улар бўйича олган дивидендларини уз хохиши бўйича эркин тасарруф қилиш;

- қонунчиликда белгиланган ҳолларда ўз акцияларини Фонд томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш;

- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

- Фонднинг кузатув кенгаши, ишончли бошқарувчиси ва Марказий депозитарийнинг инсофсиз ёки уқувсиз ҳаракатлари натижасида етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисида даъво билан судга мурожаат қилиш;

- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;

- Фонд акциядорлари (иштирокчилари) ўртасида уларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида белгиланган тартибда корпоратив шартнома тузиш;

- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

9.2. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга эга.

9.3. Фонд овоз берувчи акцияларининг эллик фоизидан ортиғига эгалик қилувчи ёхуд овоз берувчи акциялари миқдори Фонднинг бошқа ҳар бир акциядори улушига нисбатан кўп бўлган ҳамда овози қарор натижасига ҳал қилувчи таъсир кўрсатиши мумкин бўлган акциядор мажоритар акциядор деб эътироф этилади.

Агар мажоритар акциядорга қарорлар Фонднинг ва бошқа акциядорларнинг манфаатларига зарар келтириши олдиндан аён бўлса, у мазкур қарорларни шахсий манфаатларини ҳисобга олиб қабул қилмаслиги, Фонд бошқарув органларининг йиғилиши кун тартибига Фонднинг ва бошқа акциядорларнинг манфаатларига мос келмайдиган масалаларни ёки ҳал этилиши Фонднинг ва бошқа акциядорларнинг манфаатларига зарар етказиши олдиндан маълум бўлган масалаларни киритмаслиги шарт.

Фонднинг мажоритар акциядори ушбу моддада назарда тутилган мажбуриятларни бажармаслик натижасида жамиятга ва бошқа акциядорларга етказилган зарар учун жавобгар бўлади.

9.4. Фонд ўзининг жойлаштирилган оддий акцияларини:

- Фонднинг бутун устав фонди (устав капитали) батамом тўлангунига қадар;

- агар оддий акцияларни олиш пайтида Фондда тўловга қобилиятсизлик белгилари мавжуд бўлса ёки бундай белгилар у акцияларни олганлиги натижасида пайдо бўлса;

- агар оддий акцияларни олиш пайтида Фонд соф активларининг қиймати унинг устав фондидан (устав капиталидан), захира фондидан ва жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг Фонд уставида белгиланган тугатиш қийматининг номинал қийматидан ортиқ қисмидан кам бўлса ёхуд акцияларни олиш натижасида уларнинг миқдоридан камайиб кетса, олишга ҳақли эмас.

9.5. Фонд овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Фонднинг молия йили тугагандан кейин ўттиз кундан кечиктирмай, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Фонднинг кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) ушбу кенгашнинг ва комиссиянинг (тафтишчиларнинг) сон таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли, бундан кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар кўрсатиш мустасно.

9.6. Фонднинг беш фоиздан кам бўлмаган овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядор аффилланган шахс билан тузилган қайси битим натижасида Фондга зарар етказилган бўлса ёхуд ушбу битим тузилганлиги оқибатида келгусида зарар етказилиши мумкин бўлса, ўша битимни тузишга доир талаблар бузилишининг мавжуд белгиларини ўрганиш учун мустақил равишда аудиторлик ташкилотини жалб этишга ҳақли. Суд томонидан битим тузишга доир талаблар бузилганлиги факти аниқланган тақдирда, Фонд

суднинг қарори қонуний кучга кирган пайтдан эътиборан бир ой муддатда акциядорнинг аудиторлик ташкилотини жалб этишга доир харажатларининг ўрнини мазкур хизматларнинг бозор қийматидан кўп бўлмаган миқдорда қоплаши шарт.

10. ФОНД БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

10.1. Фонднинг бошқарув органлари қуйидагилардан иборат:

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши;
- Кузатув кенгаши;
- Ишончли бошқарувчи.

11. ФОНД АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМЙЙ ЙИҒИЛИШИ

11.1. Фондни бошқариш ва унинг фаолиятини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан назарда тутилган тартибда ушбу Устав билан белгиланган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Фондни қўйидаги органлар бошқаради: Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши, шунингдек ижроия органи ваколатини бажарувчи ишончли бошқарувчи. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Фонд бошқарувининг олий (юкори) органи ҳисобланади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига қўйидагилар қиради:

- Фонд Уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ёки Фонднинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш;
- Фонднинг инвестиция декларациясини тасдиқлаш;
- Фондни қайта ташкил этиш, тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- Устав фондини (капиталини) камайтириш ва кўпайтириш;
- Ўзлон қилинадиган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- Фонд фаолиятидаги асосий йуналишларни, мақсадлар ва чеклашларни белгилаш;
- Ишончли бошқарувчи ва Марказий депозитарий билан тузилган контрактларни, шу жумладан Ишончли бошқарувчини ва Марказий депозитарийни мукофотлаш миқдорларини белгилаш тартибини, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни маъқуллаш;
- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- Фонд аудиторини тасдиқлаш;
- Фонднинг йиллик ҳисоботларини, бухгалтерия балансларини, фойда ва зарарларни ҳисоб варағини тасдиқлаш, унинг соф фойдасини тақсимлаш ва зарарларини қоплаш;
- Фонд кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- Фонд кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига қирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан фонд кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва хулосаларини эшитиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот берувчи фонд бошқарув ва назорат органлари маърузалари (ҳисоботлари) шакли ва мазмунига бўлган талабларни, акциядорлар умумий йиғилиши давомийлигини белгилаш;
- электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);
- умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш;
- Жамиятнинг ишончли бошқарувчиси, кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг энг кам миқдорларини, корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳоловчи томонидан берилган баҳосига қараб ҳар йили тасдиқлаш;
- Фонднинг лавозимли ходимларини мулкый жавобгарликка тортиш ҳақида қарорлар

қабул қилиш;

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

11.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига кирган масалалар ҳал қилиш учун Фонднинг Кузатув кенгашига берилиши мумкин эмас, қуйидаги масалалар бундан мустасно:

Фонднинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш, шунингдек фонд уставига унинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунинг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

11.3. Фонд ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (йиллик ҳисобот йиғилишини) ўтказиши шарт.

Бу йиғилиш молия йили тугаганидан кейин кўпи билан олти ойдан ошмаган муддат ичида ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик ҳисобот умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилиш ҳисобланади. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Фонд Кузатув кенгашининг қарори билан унинг уз ташаббусига биноан, Ишончли бошқарувчи, Марказий депозитарий талабига кура, шунингдек талаб тақдим этилган санада Фонд овоз берувчи акцияларининг камида 5 фоизига эга бўлган акциядорларнинг талаби билан чақирилиши ва ўтказилиши мумкин. Ишончли бошқарувчининг рухсатномаси бекор қилинган ёки вақтинча узок муддатга тухтатилган тақдирда, янги Ишончли бошқарувчи ёки янги Марказий депозитарий билан контрактни тасдиқлаш учун Кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши мумкин.

Талабда йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабаби кўрсатилган ҳолда таърифлаб берилмоғи лозим. Бундай талабда келтирилган кун тартибига Кузатув кенгаши ўзгартиришлар киритиши мумкин эмас. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш талаби 5 фоиз овозга эга бўлган акциядорлардан чиққан бўлса, бу талабда акциядорларнинг имзоси ва санаси, умумий йиғилишни чақиришни талаб қилаётган акциядорларнинг исмлари, уларга тегишли акциялар сони кўрсатилган бўлиши лозим. Талабнома тақдим этилган санадан бошлаб 10 кун ичида Фонд Кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши лозим. Агар бундай йиғилишни рад этиш ҳақидаги далил-исботли қарор қабул қилинган бўлса, бундай қарор қабул қилинган кундан бошлаб узоғи билан 3 кун ичида йиғилиш чақиришни талаб қилган шахсларга тегишли билдиришнома юборилади. Кузатув кенгаши белгиланган муддат ичида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилмаган бўлса ёки уни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган бўлса, йиғилишни уни чақиришни талаб қилган шахслар томонидан чақирилиши мумкин. Бу ҳолатда умумий йиғилишни тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ бўлган сарф- харажатлар умумий йиғилиш қарори билан Фонд ҳисобидан қопланиши мумкин.

11.4. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана ва уни кун тартиби, ўтказиш жойи ва тартиби, йиғилиш-ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материаллар (маълумотлар) рўйхати, овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни Фонднинг Кузатув кенгаши томонидан белгиланади (тасдикланади). Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

11.5. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади.

11.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) Фонднинг йиллик ҳисоботи, Фонднинг йиллик молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан Фонд тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ва аудиторлик ташкилотининг ҳулосаси, Фонд кузатув кенгашининг ишончли бошқарувчи билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисидаги ҳулосаси, шунингдек Фонднинг кузатув кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчиларига) номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, Фонднинг уставига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки Фонднинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси киради.

11.7. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этувчиларни рўйхатга олиш тамом бўлган пайтга келиб, Фонднинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 50 фоиздан кўпига эга бўлган акциядорлар (вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши қонуний ҳуқуқий ваколатга эга деб тан олинади.

Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоиздан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилиш “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низомда назарда тутилган муддатларда ва шаклда амалга оширилади.

Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси йигирма кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

Фонд акциядорлари умумий йиғилишида овоз бериш “Фонднинг овоз берувчи битта акцияси - битта овозга эга” деган принципга амал қилинади, фонднинг кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

Овоз бериш жарёнида акциядорлара айрим масалалар бўйича бир хил нуктаи назарларини ҳимоя қилиш учун ўзаро келишув тузишлари мумкин.

11.8. Фонд Уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш (Фонд устав капиталини эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдори доирасида кўпайтириш ва Фонд Уставига шу билан боғлиқ тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш бундан мустасно), янги таҳрирдаги Уставни тасдиқлаш; Фондни қайта тузиш ва тугатиш; Устав капиталини камайтириш; эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш, Йирик битим тузиш масаласи бўйича жамият кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда, Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг эллик фоиздан ортиғини ташкил этувчи мол-мулк ҳусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор ва Аффилланган шахс билан тузиладиган битимни маъқуллаш ҳақидаги қарор мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинмаган тақдирдаги масалаларни ҳал этиш учун умумий йиғилиш томонидан умумий йиғилишда катнашаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларнинг камида тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Бошқа барча масалалар бўйича умумий йиғилишда иштирок этаётган Фонд овоз берувчи акциялари эгаси бўлмиш акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

11.9. Акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш ва ўтказиш бўйича акциядорларга белгиланган тартибда билдиришномалар юбориш ҳамда умумий йиғилишда санок комиссияси вазифасини бажариш ишлари Марказий депозитарий томонидан у билан тузиладиган контрактга асосан амалга оширилиши мумкин.

11.10. Акциядорларнинг умумий йиғилишида баённома юритилади. Баённомада қўйидагилар акс эттирилади:

умумий йиғилиш ўтказилган жой, сана ва вақти;

овоз берувчи акцияларга эга бўлган акциядорлар овозларининг умумий сони ва йиғилишда иштирок этган акциядорларнинг овозлари сони;

йиғилишнинг раиси ва котиби, кун тартиби;

сўзга чиққанларнинг нутқларини ва таклифларини қисқа мазмуни, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш натижалари, йиғилишда қабул қилинган қарорлар.

Баённома акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин кечи билан 10 кун ичида камида икки нусхада тузилади ва улар умумий йиғилишда раислик қилган киши ва котиб томонидан имзоланади. Баённома билан акциядорлар белгиланган тартибда таништириладилар.

Акциядор талабига кўра унга йиғилишда қатнашиб овоз берган бюллетенидан ўз ҳисобидан кўчирма олишга рухсат берилиши мумкин.

11.11. Акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш ва ўтказиш масалалари акциядорларнинг умумий йиғилиши тасдиқлайдиган “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низомга асосан чақирилади ва ўтказилади.

12. ФОНД КУЗАТУВ КЕНГАШИ

12.1. Фонд Кузатув кенгаши Фонд фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

12.2. Фонд Кузатув кенгашининг аъзолари амалдаги қонунчилик ва мазкур Устав асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади. Фонд Кузатув кенгаши аъзоларининг сон таркиби 9 (тўққиз) кишидан иборат.

12.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланган Кузатув кенгаши аъзоси мазкур йиғилиш баённомасида қайси акциядорнинг вакили эканлиги ёки Кузатув кенгашининг қайси аъзоси мустақил аъзо эканлиги кўрсатилиши лозим.

12.4. Фонд Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- Фонд фаолиятининг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ишончли бошқарувчининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда фонд фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

- Фонднинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш, шунингдек фонд уставига унинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Фонд акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

- Фонд уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Фонднинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

- Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунинг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

- Фонд ижроия органи (ишончли бошқарувчи) нинг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Фонд Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органи (ишончли бошқарувчи) дан олиш. Фонд Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

- аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
 - Фонднинг заҳира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
 - Фонднинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
 - Фонднинг шўъба ва тобе хўжалик Фондларини ташкил этиш;
 - қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;
 - аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш;
 - қонунчиликда белгиланган ҳолларда Фонд томонидан йирик битимлар ва Фонд аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - Фонднинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш.
 - фонднинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш.
- 12.5. Фонднинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Фонднинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Фонд Кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.
- 12.6. Фонд Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан Фонд Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади. Фонд Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.
- 12.7. Фонд Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади.
- 12.8. Фонд Кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини Кузатув кенгаш аъзоларидан бири амалга оширади.
- 12.9. Фонд Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Заруриятга кўра Фонд Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари ҳам ўтказилиши мумкин.
- 12.10. Фонд Кузатув кенгашининг қарори Кузатув кенгашга сайланган аъзоларнинг камида етмиш беш фоизи иштирок этганида қонуний ҳисобланади. Фонд Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонунчиликда бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Фонд Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Фонд Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашнинг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас. Фонд Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, Фонд Кузатув кенгаши Раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.
- 12.11. Шунингдек Кузатув кенгаши мажлислари электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда) қарорлар бир овоздан қабул қилинган тақдирда сиртдан, ёки видеоконференц-алоқа тарзида ўтказилиши мумкин.
- 12.12. Фонд Кузатув кенгаши Фонднинг “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низом асосида иш олиб боради.

13. ФОНДНИНГ ИШОНЧЛИ БОШҚАРУВЧИСИ

- 13.1. Фонднинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколати Фонд ишончли бошқарувчиси томонидан амалга оширилади.
- 13.2. Фонд ишончли бошқарувчисининг ваколатига Фонднинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Фонд Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.
- 13.3. Ишончли бошқарувчи вакилига Фонднинг банк операциялари амалга ошириш(тўлов топшириқнома, талабномалар) бўйича иккинчи имзо ҳуқуқи берилган.

13.4. Ишончли бошқарувчи Фонд топшириғига биноан ва унинг номидан ўз тасарруфига берилган қимматли қоғозларни, мол-мулкни; қимматли қоғозларга инвестициялаш учун мўлжалланган пул маблағларини; қимматли қоғозларни ва мол-мулкни бошқариш жараёнида олинган пул маблағлари ва қимматли қоғозларни ҳамда мол- мулкни ишончли бошқаришни; Фонднинг қимматли қоғозлар портфелини шакллантириш ва бошқариш ҳамда ушбу портфелни диверсификациялаш бўйича хизматлар кўрсатиш; шунингдек Фонд томонидан тузилган контракт (шартнома) шартларига мувофиқ Фонд маслаҳатчиси функцияларини амалга оширади, кўрсатиб ўтилган операциялар Фонд Ишончли бошқарувчиси фаолиятининг асосий тури ҳисобланади.

13.5. Ишончли бошқарувчи Фондни бошқариш ушбу Устав ва Фонд билан Ишончли бошқарувчи ўртасида тузилган контракт билан белгилаб қўйилган Фонд активларини бошқариш билан боғлиқ талабларга, тартибларга, шартларга амал қилиши, фаолиятига чеклашларни ҳисобга олган ҳолда функцияларни бажариши, ҳуқуқларга, мажбуриятларга ва жавобгарликга эга бўлиши лозим.

13.6. Фонд ишончли бошқарувчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча амалдаги қонунчилик, мазкур Устав ҳамда Фонд билан уч йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Шартнома Фонд номидан Фонд Кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Фонднинг ишончли бошқарувчиси билан тузиладиган шартномада унинг Фонд фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Фонднинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Фонд Кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

13.7. Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан вакил қилинган Фонд Кузатув кенгашининг раиси Фонд номидан Ишончли бошқарувчи билан Фонд активларини бошқариш тўғрисида контракт (шартнома) тузади, контрактда қўйидагилар белгиланиши мумкин: контракт томонлари ва предмети; томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги; инвестиция декларацияси; Фонд ва Ишончли бошқарувчи фолиятларидаги чеклашлар; Ишончли бошқарувчини мукофотлаш ва унинг ҳаражатлари; контрактнинг амал қилишини тўхтатиш шартлари ва томонларнинг жавобгарлиги ва мажбуриятлари; бошқа қоидалар ва шартлар. Контрактга ушбу Уставда кўрсатилганидек томонлар розилиги билан акциядорлар умумий йиғилиши қарорига кўра ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

13.8. Контрактда унинг амал қилиши муддатидан олдин тўхтатилиши учун Ишончли бошқарувчига компенсация белгиланади, у контрактда назарда тутилган Ишончли бошқарувчини йиллик мукофотлашнинг 20 фоизи миқдорида бўлади.

13.9. Фонднинг Кузатув кенгаши Ишончли бошқарувчи билан тузиладиган битимлар рўйхатини, шунингдек битимлар хусусияти ва ҳажми бўйича чеклашларни белгилашга ҳақлидир.

13.10. Фонднинг Кузатув кенгаши томонидан вакил қилинган Ишончли бошқарувчи ўз фаолиятини Фонд номидан амалга оширади, акциядорлик Фондларининг Фондга тегишли акцияларига мувофиқ уларнинг акциядорлари умумий йиғилишларида акциядор сифатида қатнашади ва ҳаракат қилади.

13.11. Ишончли бошқарувчи контрактга асосан Фонд номидан унинг ҳужжатларини тайёрлаб имзо қўйиш, Фондни бошқариш бўйича контрактда кўрсатилган ўз функцияларини, ҳуқуқларини ва мажбуриятларини бажариш учун зарур бўлган турли саъй-ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

13.12. Ишончли бошқарувчи томонидан олинадиган мукофотнинг йиллик миқдори контрактга мувофиқ Фонд соф активлари ўртача йиллик қийматининг 5 фоизи миқдорида бўлади. Кўрсатилган суммага контрактни бажариш бўйича Ишончли бошқарувчи томонидан қилинган барча сарф-ҳаражатлар ўрнини тўлдириш (коплаш) ҳам қўшилади.

Кўрсатиб ўтилган мукофотдан ташқари Ишончли бошқарувчига контрактга мувофиқ йил натижалари бўйича қўшимча мукофот пули тўланади, бироқ у Фонд соф активлари

йиллик ўсиши суммасининг 7 фоизидан ошмаган миқдоридан (тўланган дивидендлар суммасини ҳисобга олган ҳолда), мазкур йилга Ўзбекистан Республикаси Марказий Банки томонидан белгиланган қайта молиялаш ставкаси бўйича соф активларни депозитларга жойлаштиришда юз берадиган ўсишдан юқори бўлмаслиги керак.

13.13. Фонд томонидан қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган ахборот ва ҳисоботлар бир йил ичида икки ва ундан ортиқ маротаба ўз вақтида ошкор этилмаган тақдирда, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи ижроия органини ўзгартириш масаласини кўриб чиқиш тўғрисида кўрсатма киритишга ҳақли.

14. ФОНДНИНГ МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

Аудиторлик ташкилоти

14.1. Фонд ўзининг Ишончли бошқарувчиси ва Марказий депозитарийсининг Фондга тегишли ҳужжатларини ва ҳисоботларини ҳар йили текшириш учун ҳолис аудитор ёллайди.

14.2. Аудитор ва аудиторга тўланадиган хизмат ҳақи миқдори ва аудитор ишининг ҳажми акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгаши томонидан белгиланади (тасдиқланади).

14.3. Аудитор Фонднинг йиллик ҳисоботлари ва бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлари ҳисоб варақлари бўйича ҳулоса тайёрлайди, Ишончли бошқарувчисига тегишли маслаҳатлар бериб боради ва ҳулосани Кузатув кенгашига тақдим этади.

14.4. Фонднинг йиллик ҳисоботи, бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлари ҳисоб варақлари аудиторнинг ҳулосасисиз акциядорларнинг умумий йиғилишига тасдиқлаш учун олиб чиқилиши мумкин эмас.

14.5. Аудиторлик ташкилоти фонднинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри ҳулосани ўз ичига олган аудиторлик ҳулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун жамият олдида жавобгар бўлади.

15. ФОНД КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ, ИШОНЧЛИ БОШҚАРУВЧИСИНИНГ ВА МАРКАЗИЙ ДЕПОЗИТАРИЙНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

15.1. Фонд кузатув кенгашининг аъзолари, ишончли бошқарувчиси ва қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда фонднинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

15.2. Агар 16.1. банд қоидаларига мувофиқ бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг фонд олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

Фондга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган фонд кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди.

Фонд жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан фонднинг кузатув кенгаши аъзоси, ишончли бошқарувчиси ва Марказий депозитарийси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

15.3. Суд Фонднинг Кузатув кенгаши аъзосини, ишончли бошқарувчини Фондга мулкий зарар етказганликда айбдор деб топган тақдирда, суд қарорига кўра уларнинг ваколатлари ҳўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаш тақиқланган ҳолда камида бир йил муддатга тугатилиши мумкин.

15.4. Фонднинг Кузатув кенгаши аъзоси, ишончли бошқарувчи қуйидагилар натижасида Фондга етказилган зарар учун жавобгар бўлади:

чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлик;

қонунчиликда белгиланган ахборот тақдим этиш тартибини бузганлик;

Фондга зарар етказилишига сабаб бўлган йирик битимларни ва (ёки) амалга оширилишидан манфаатдорлик мавжуд бўлган битимларни тузишни таклиф этганлик, шу

жумладан Фонд билан бундай битимлар тузилиши натижасида ўзлари ёки ўз аффилиланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида битимлар тузишни таклиф этганлик; фидуциар мажбуриятларни бажармаслик.

15.5. Фонд Кузатув кенгаши аъзоларининг, ишончли бошқарувчининг фидуциар мажбуриятлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

вазифа ва мажбуриятларини амалга оширишда виждонан ҳаракат қилиб, Фонд ва акциядорлар манфаатларини энг қўп ақс эътирувчи усуллардан фойдаланишни;

Фонд мол-мулкidan Фонднинг уставига ва ички ҳужжатларига зид равишда ва (ёки) акциядорлар умумий йиғилишининг ва (ёки) Кузатув кенгашининг қарорларисиз, шахсий манфаатларини кўзлаб фойдаланмасликни ҳамда ундан бошқа шахслар томонидан шу тарзда фойдаланилишига йўл қўймасликни;

Фонднинг бизнес имкониятларидан ёки жамият учун манфаатли бўлган объектлардан ўз вазифаларини бажариши муносабати билан ёки ўз мавқеидан келиб чиққан ҳолда, Фонднинг тегишли бошқарув органлари розилигисиз, шахсий наф олиш мақсадида ёки бошқа шахслар манфаатларини кўзлаб, шундай наф олишга қўмаклашиш мақсадида фойдаланмасликни;

Фонднинг асосий фаолияти йўналишларига хос бўлган соҳадаги тадбиркорлик фаолиятини Фонднинг тегишли бошқарув органлари розилигисиз амалга оширмасликни;

қонунчиликка, Фонднинг ички ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ Фонд фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотни ошқор қилмасликни;

ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ қарорлар қабул қилиш эъзига моддий қимматликлар олмасликни ёки бундан манфаатдор бўлган шахслардан мулкый манфаатдор бўлмасликни.

15.6. Агар Фонднинг ишончли бошқарувчиси томонидан йирик битим ёки аффилиланган шахслар билан битим тузиш тартиби бузилганлиги натижасида Фондга зарар етказилган бўлса ва бунда Фонд ишончли бошқарувчининг айби қонунчиликда белгиланган тартибда исботланса, Фонднинг кредиторлар олдидagi қарздорлигини қоплаш учун унинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда Фонднинг мажбуриятлари бўйича субсидияр жавобгар бўлади.

16. ҲИСОБ-КИТОБ ИШЛАРИ ВА ҲИСОБОТ

16.1. Фонднинг молия йили календар йилига мувофиқ келади.

16.2. Фонд молиявий фаолиятининг ҳисоб-китоби ва ҳисоботи Ишончли бошқарувчи томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига биноан белгиланган тартибда олиб борилади. Фонд солиқ ва бошқа тўловларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ тўлайди.

Фонд амалдаги қонунлар бўйича ҳисоботларни Марказий депозитарийга ва Қимматли қўғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказига тақдим этади.

16.3. Йиллик ҳисоботни акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилганидан кейин икки ҳафта ичида қимматли қўғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказига беришга, шунингдек интернет вэб-сайтида эълон қилишга мажбурдир.

16.4. Фонд ўзининг Ишончли бошқарувчиси, Марказий депозитарий ва ҳолис (мустақил) аудитор тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади, шунингдек ҳар қандай манфаатдор шахснинг ёки ташкилотнинг ушбу маълумотлар билан танишиб чиқиши учун имконият яратади.

16.5. Фондга ёзма ҳолда ёки реклама қилиш йули билан инвесторларга ижобий даромад олиш учун кафолат бериш тақиқланади.

16.6. Фонд Ишончли бошқарувчи орқали ўз акциядорларига ўз фаолияти ва молиявий аҳволи, акцияларни сотиш шартлари ва эмиссиялар рисоласи, дивидендларни тўлаш тартиби, фонд биржаларидаги фаолият, қимматли қўғозларга қўйилмалар тўғрисидаги зарур ва ишончли ахборотларни беришга мажбурдир.

Кўрсатиб ўтилган ахборотлар акцияларни эмиссия қилишда кўргазмали ва қулай

шаклда фуқаролар эътиборига, шунингдек интернет вэб-сайти орқали, акциядорларнинг умумий йиғилишларида, бундан ташқари, акциядор (акциядорлар)нинг талабига кўра таъсис ҳужжатлари билан белгиланган тартибда акциядорлар эътиборига етказилади.

Акциядор(миноритар акциядорлар)нинг ўзининг асосланмаган талаби билан фонднинг тижорат сири ёки махфий бўлган ахборотларни талаб қилишига йўл қўйилмайди.

16.7. Фонд сўрови бўйича Марказий депозитарий акциядорлар реестри юритилишини таъминлашга мажбурдир. Уни юритиш Фонд топшириғига кўра Марказий депозитарий томонидан амалга оширилади.

16.8. Акциядор Фонд томонидан эълон қилинган дивидендлар тўланишини суд йули билан талаб қилишга ҳақлидир.

16.9. Фонд акцияларининг жорий эмиссияси қуйидаги ҳолларда рўйхатдан ўтказувчи Марказ қарорига кўра ёки суд қарорига кўра ҳақиқий эмас деб топилганда тўхтатиб қўйилиши мумкин:

- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талаблари бузилганлиги аниқланганда;
- рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларида ишончсиз маълумотлар мавжудлиги аниқланганда.

16.10. Фонд акциядорлари умумий йиғилишига қатнашиш ҳуқуқини берувчи ишонч қоғози (ишончнома) нотариус муассасаси томонидан тасдиқланиши шарт.

16.11. Фонд қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда ўзи тўғрисидаги ахборотни ошкор қилишни амалга ошириши шарт.

16.12. Фонд қонунчиликда белгиланган тартибда ошкор этилиши мажбурий бўлган барча ахборотни Корпоратив ахборотнинг ягона порталида эълон қилиши шарт.

16.13. Фонд ўзи ва аффилланган шахс ўртасида тузилган битим ҳақидаги ахборотни битим тузилган пайтдан эътиборан 72 соат ичида Корпоратив ахборотнинг ягона порталида ошкор этиши шарт.

16.14. Фонд ошкор этилиши мажбурий бўлган ахборотни ва (ёки) бошқа ахборотни ўзининг расмий веб-сайтида ўз хоҳишига кўра ошкор этишга ҳақли.

17. ФОНДНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

17.1. Фондни қайта ташкил этишга (қўшиш, бирлаштириш, ажратиш, ажралиб чиқиш, қайта тузиш) Ўзбекистон республикаси қонунчилиги томонидан белгиланган тартибда акциядорлар умумий йиғилиши қарорига кўра йўл қўйилади. Ушбу ишлар амалга оширилиши тартиби ва муддатларини аниқлаш, шунингдек уларнинг бажарилишини назорат қилиш Марказ томонидан амалга оширилади.

17.2. Фонд:

акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига биноан;

хўжалик судининг қарорига биноан;

унинг фаолиятига берилган лицензия бекор қилинган тақдирда;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларга биноан тугатилади.

17.3. Фондни ихтиёрий равишда тугатиш акциядорларнинг умумий йиғилиши тайинлаган тугатиш комиссияси томонидан, мажбурий тугатиш - банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда амалга оширилади. Тугатиш комиссияси тайинланган пайтдан бошлаб Фонд ишларини бошқариш бўйича ваколатлар унга ўтади.

Тугатиш комиссияси Фонднинг мол-мулкни баҳолайди, унинг дебиторларини ва кредиторларини аниқлайди ва улар билан ҳисоб-китоб қилади, Фонд қарзларининг учинчи шахсларга тўланиши учун чоралар кўради, тугатиш балансини тузади ва уни акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этади.

17.4. Фондда мавжуд бўлган пул маблағлари, қимматли қоғозлари, шу жумладан Фонд тугатилиши вақтида унинг мол-мулки сотилишидан олинган тушум, бюджет, бюджетдан ташқари фоизалар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан сўнг, Фонд Уставида назарда тутилган тартибда ва шартларда тугатиш комиссияси томонидан Фонд акциядорлари

ўртасида тақсимланади.

17.5. Фондни тугатиш тўғрисида давлат рўйхатидан ўтказиш реестрида тегишли ёзувлар қайд этилган вақтдан бошлаб у тугатилган, Фонд эса ўз фаолиятини тўхтатган ҳисобланади.

17.6. Фонд билан юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ суд органлари томонидан кўриб чиқилади.

18. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

18.1. Фонд акциядорларининг умумий йиғилиши ва ўз ваколатлари доирасида Фонд Кузатув кенгаши томонидан Фонд Уставига киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг тегишли Давлат органида белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

18.2. Фонд Уставига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар ёки Фонднинг янги таҳрирдаги устави учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, қонунчиликда белгиланган ҳолларда эса давлат рўйхатидан ўтказувчи орган хабардор этилган пайтдан эътиборан қучга киради.

18.3. Агар мазкур Уставни бирон бир қоидаси ўз қучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

18.4. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида мазкур уставда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари қоидалари қўлланилади.

18.5. Фонд Уставада кўзда тутилмаган барча ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ тартибга солинади.

Бошқарувчи



Хидиров Н.У.